



ЎЗКИМЁСАНОАТ
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

2023 йил 13-январ

**14 январь - Ватан ҳимоячилари кун
муносабати билан маънавий-маърифий
тадбир ўтказилди**



«Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ватан билан улғаяр шону шавкатим!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда «Ўзкимёсаноат» АЖ ҳамда тармоқ корхоналари раҳбар ва ходимлари иштирок этишди. Дастлаб Жамият раҳбарияти томонидан тизимда фаолият юритаётган, шу билан бирга, юртимиз тинчлигини таъминлашга улкан ҳисса қўшаётган барча Ватан ҳимоячиларига самимий байрам табриги йўлланди.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбир давомида тизим корхоналари вакиллари томонидан байрам табриги сифатида шеър ва кўшиқлар, шунингдек, турли хил сахна кўринишлари ҳам намойиш этилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, «Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхоналарининг барчасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан қатор байрам тадбирлари ўтказилмоқда.



Uzkimyo sanoat AJ
MATBUOT XIZMATI



uzkiymyosanoat




uzkiymyosanoat.uz



(+99878) 140-74-26

Uzkiymyosanoat
HABUOT XIZMATI







«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/vatan-himoyachilari-kuni-munosabati-bilan-manaviy-marifiy-tadbir>